# Qishloq hayoti

2013 йил — Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi | www.qishloqhayoti.uz | 2013-YIL 30-IYUL, SESHANBA, 92 (8173)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Мирзачўл туманининг Ғалаба маҳалласидаги 30 та намунавий лойиҳадаги замонавий уйларни "Қишлоқ қурилиш инвест" ихтисослашган инжиниринг шўъба корхонаси қурувчилари бунёд этишяпти. Улар сафида вилоят касб-ҳунар коллежларининг юқори босқич ўқувчилари ҳам иштирок этаётгани қурилиш сифати ва суръатини оширмоқда.

2



...Дала шийпони шу қадар орастаки, бамисоли оромгоҳни эслатади. Унинг атрофи боғ ва гулзор билан қуршаб олинган. Механизаторлар ва сувчилар учун алоҳида дам олиш хоналари мавжуд. Иш ҳажмига қараб керак бўлганда, кунига уч бор қозон қайнайди...

2



Экологларнинг айтишича, сомонга ўт қўйиш кони зарар. Негаки, кислород беҳуда ёндирилади, улкан олов тупроқнинг устки қисмини куйдириб, уни ҳосил бермас сополга айлантириб юборади. Ундан ҳам ёмони, ҳар бир гектар ерда ўртача 400 миллион энтомофаг жонивор қирилиб, шунча беминнат "ҳосилот"дан айриламиз.

4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

# ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!




Қорақалпоғистон Республикаси

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИ МАКТАБДА

**Амударё туманидаги 19-умумтаълим мактаби жорий йилда капитал реконструкция қилиниб, яқин кунларда фойдаланишга топширилади. Қурилиш ишлари тумандаги "Сув қурилиш бошқармаси" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан олиб борилмоқда.**

— Ўтган 2012-2013 ўқув йили мавсуми жамоамиз учун самарали бўлди, — дейди мактаб директори Аминбой Раҳимов. — Бугунги кунда таълим даргоҳимизда 532 ўқувчи бўлиб, уларга 66 нафар малакали ўқитувчи таълим-тарбия беради. Дарслар аниқ режа, ёшлар салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этилади. Бир қанча фан ва спорт тўгараклари фаолият кўрсатмоқда. Ўқувчиларнинг ёзги таътил даврида мактабимизда "Оҳу" оромгоҳи ташкил қилинди. Болаларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишда Эркиной Хўжанова, Гулара Отажонова, Гулнар Қозиева, Мубарак Собирова, Ярқиной Сапарбоева сингари устозлар ташаббускор бўлдилар. Ушбу мавсумда битирувчи ўқувчилар сони 72 нафарни ташкил этди.

Қувонарлиси, янги ўқув йили капитал реконструкция қилиниб, қўшимча 10 та хона қурилган янги қиёфадаги мактабда бошланади. Педагог ўқитувчиларимиз зарур барча билим, кўникма ва малакага эга бўлиб, эртанги кунимизнинг эгалари юксак маънавиятли, комил инсонлар бўлиб етишишлари учун барча имкониятлар мавжуд.

**Давуд АБИБУЛЛАЕВ**

Наманган Вилояти

## МЕҲНАТГА ЯРАША РАҒБАТ

**Наманган шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида "Нон — ризқ-рўзимиз" байрам тадбири бўлиб ўтди.**

Унга вилоятнинг барча туманларида фаолият кўрсатаётган илғор фермер хўжаликлари бошлиқлари, жорий йил ғалла етиштириш мавсумида фаол иштирок этган, улкан ҳосил тўплашга ҳисса қўшган турли ташкилот ва муассаса ходимлари таклиф этилди.

Байрам тадбирида вилоят ҳокими Б.Юсупов иштирок этди. Жорий йилда юксак ғалла хирмони бунёд этилишида муносиб ҳисса қўшган бир қатор илғорлар тақдирланиб, қимматбаҳо совғалар топширилди.

Байрам шодиёнаси санъаткорларнинг концерт дастури билан файзли ўтди.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ**

НаВоий Вилояти

## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ – СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ГАРОВИ

**Кармана туманидаги "Richard best Silk" хусусий корхонасида ипак толалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.**

Бунинг учун корхонага 250 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ҳисобига хориждан пиллани қайта ишловчи иккита замонавий линия олиб келинди.

Ўрнатилган технологиянинг афзаллиги ускуналарнинг тўлиқ автоматлаштирилганида. У йилига 200 тонна пиллани қайта ишлаш қувватига эга. Ҳар бир линияда эса йилига 30 тоннадан сифатли ипак тола тайёрлаш мумкин.

Хусусий корхонада бундай янгиликка қўл урилиши 75 нафар хотин-қизнинг доимий иш ўринлари билан таъминланишига имконият яратди.

**Абдурасул САТТОРОВ**



— Чизмалару лойиҳалардан бошланган хайрли ишнинг самараси бугун яққол кўзга ташланмоқда, — дейишади мелиораторлар. — Ер ўзини тиклади, дармонга кирди. Ҳосилдорлик бир неча баробар ошди.



— Зовурлар тархини олишда ишлатиладиган асбобда келажакни — ҳосилдор тупроқни, улкан хирмонларни кўргандек бўламан, — дейди "Бўкадавсувмахсуспудрат" корхонаси мутахассиси Равшан Холбоев.

## Ютуқларимизнинг асосий омили – ерларимизнинг соғломлашаётганлигида

### ДЕЙИШМОҚДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДЕҲҚОНЛАРИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг яқиндагина Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригини Тошкент вилояти деҳқонлари ҳам кўтаринки кайфият билан кутиб олдилар. Чунки табрикда мамлакатимиздаги бир қатор вилоят ва туманлар, илғор фермерлар қатори Тошкент вилояти Пискент ва Юқори Чирчиқ туманлари ҳамда Ўрта Чирчиқ туманидаги ғаллачиликда энг юқори натижага эришган «Иброҳим Абдураҳмонов» фермер хўжалигининг номлари ҳам қайд этиб ўтилганлиги барчанинг кўнглини ёриштириб, кайфиятларини чоғ қилди.**

Президентимизнинг "Баракалла, барчамизни қойил қолдирдингиз, ҳеч қачон кам бўлманг", деган эътирофлари ғаллакорларнинг меҳнатларига берилган юксак баҳо бўлди. Дарвоқе, Обод турмуш йили вилоят аҳли учун ҳамма соҳаларда ёдда қоларли йил бўлмоқда. Деҳқончиликнинг биринчи ҳосили — пиллачиликда юқори натижаларга эришган фермерлар ризқ-рўзимизнинг асосий манбаи ҳисобланган ғаллачиликда ҳам юксак муваффақиятларни қўлга киритдилар. Жорий йил том маънода ҳақиқий ғалла йили бўлди. Ерга эгалик ҳиссини туйиб, самарали меҳнат қилаётган кўплаб фермерлар ҳар гектар ердан 100 центнердан ошириб ҳосил кўтардилар. Мамлакатимизнинг 7 миллион 610 минг тонналик юксак хирмонига вилоят ғаллакорлари 720 минг тонналик ғалла ҳосили билан салмоқли улуш қўшиб, давлатимиз Мустақиллигининг 22 йиллик тўйига муносиб совға тайёрладилар. Энг аҳамиятли жиҳати, етиштирилган ҳосилнинг қарийб тенг ярми фермерларнинг ўз ихтиёрларида қолди. Бундай қувончли кўрсаткичга ғаллачилик тарихида илк маротаба эришилди. Муқояса учун бир мисол: ўрим-йиғим энг авж олган паллаларда вилоятдаги мавжуд 7 та ғалла қабул қилиш шохобчаларига бир кунда 19 минг тоннадан зиёд ғалла ҳосили тўкилди. Бу кўрсаткич ўтган йилларда 13,5-14 минг тоннадан ошмаганди. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади. Хўш, ушбу муваффақиятларнинг асосий омили нимада? Ғаллачиликда ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорликнинг аввалги йилларга нисбатан кескин кўтарилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

— Ютуқларимизнинг омилларидан бири Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан ерларимизнинг муттасил соғломлаштирилиб, мелиорация ва ирригация тадбирларининг сифатли амалга оширилаётганлигида деб биламан, — дейди Президентимизнинг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригида номи илғорлар қаторида тилга олинган Ўрта Чирчиқ туманидаги "Иброҳим Абдураҳмонов" фермер хўжалиги раҳбари, тажрибали деҳқон Аваз Абдураҳмонов. — Шахсан мен ҳудудимиздаги ариқ-зовурларни тозалаб, мелиорация тадбирларининг босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги ҳосилдорлик ҳар йили муттасил ўсишига мустаҳкам пойдевор яратаётганлигини, ғалла ҳосилдорлигини гектаридан 100 центнер ва ундан ҳам ошириш имкониятлари пайдо бўлишини авалроқ сезгандим. Ниҳоят, бу йил ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишларнинг самараси тўла бўй кўрсатди. Мавжуд 165 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 100 центнердан ҳосил кўтаришга эришдик. Деҳқончилик тарихида минг йиллик синовдан ўтган омиллар бор: ота-боболаримиз "Ерни боқсанг, ер сени боқади", дея бежиз айтишмаган. Она-заминни соғломлаштириш мана шундай изчил давом этар экан, ҳали қишлоқ хўжалиги экинларининг барча турларидан олинаётган ҳосилдорлик ҳозиргидан ҳам ошиб бораверишни табиийдир.

(Давоми 3-саҳифада)

Қашқадарё Вилояти

ДИЛ СЎЗИ

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ – ФАОЛИЯТИМИЗ МАЗМУНИГА АЙЛАНДИ

**Фуқаролар йиғини, хусусан, маҳалла – фуқаролик жамиятининг фақат ўзимизга хос бўлган бошқарув институтидир. Халқимизнинг "маҳалла ҳам отанг, ҳам онанг" деган пурмаъно ибораси ҳар бир хонадон, элу юртнинг ҳақиқий қиёфаси бўлган маҳалла ҳаётида ўз аксини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, кишиларнинг ўй-фикрлари, орзу-истаклари, турмуши, муаммолари маҳаллада намоён бўлади. Албатта, юртимиздаги ҳар бир фуқаро ўзининг келажагини, энг аввало, маҳалласида кўради. Бир ишни бошлашдан олдин "маҳалла нима деркин" деган савол кўпчилигимизни ўйлантириши, керак бўлганда, худди шу саволнинг ўзи ёмон йўллардан қайтариб, яхшиликларга йўллаши бор гап. Шу маънода маҳалла жамоатчилик назоратининг – демократик тамойилларнинг амалга оширилишида муҳим вазифани бажаради.**

**Раъно ЖОНҚУВВАТОВА,**
*Ғузор туманидаги "Зарбдор" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳибаси.*

Истиқлол йилларида ушбу маскан фуқаролик жамиятининг муҳим ва фаол бўғини сифатида ўзини тобора намоён этмоқда. Маҳалланинг ҳаётимиздаги, жамиятимиздаги тутган ўрни ортиб, ваколатлари кенгаймоқда. Бугунги кунда республикамиздаги ўн мингга яқин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга ўттиздан зиёд вазифа бажариб келинаётгани ҳам фикримизнинг исботидир. Хусусан, унинг ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш, оила институтини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятда аҳиллик ва тотувликни таъминлаш борасидаги ўрни ва аҳамиятини ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайди.

Маҳаллаларда ижтимоий шериклик муносабатларининг ривожланиб бораётгани аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламлари ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Халқимизга хос меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва хайр-саховат фазилатлари айнан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими фаолиятида тўла намоён бўлмоқда.

Буларнинг барчаси Юртбошимиз раҳнамолигида маҳалла институтини янада ривожлантиришга қаратилаётган эътибори натижасидир. Биргина мисол, шу соҳада меҳнат қилаётган кишиларга кўрсатилаётган ғамхўрликни олиб кўринг-а!

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 9 июлдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони мазкур соҳада хизмат қилаётган ходимларнинг меҳнатини, ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, оила институтини қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш, жамиятимизда барқарорлик ва тотувликни таъминлашдаги ҳиссасини муносиб рағбатлантиришда муҳим омил бўлди.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

"Зарбдор" ҚФЙ раиси ёш келин-куёвларга ҳаёт бўсағасида бахт-омад тиламоқда.

Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тизимидаги ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони эса бевосита халқ ичида меҳнат қилаётган фаолларга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодасидир.

Юртбошимизнинг тизимдаги фаолларга бўлган юксак эътибори зиммамиздаги масъулиятни янада оширди. Камтарона меҳнатимизга берилган юксак эътирофдан руҳланиб, юртимизни обод, турмушимизни янада фаровон этишга бор куч-ғайратимизни, билим ва тажрибамизни сарфлайверамиз.

Хоразм Вилояти

# САНОАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ ОДИМЛАР

**Хонқаликлар уддабурон, ишбилармон кишилар. Улар бугунги кунда мустақиллик имкониятларидан кенг фойдаланмоқдалар. Яратилаётган шароитлар натижасида туманда саноат ривожланмоқда. Президентимизнинг Қарори асосида тасдиқланган Хоразм вилоятида саноат салоҳиятини ривожлантириш Дастурига асосан юксак технологияларга асосланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, корхоналарни модернизациялаш, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.**

Туманимизда 2005 йили “Ўзсаноатқурилишбанк”нинг кредити ҳисобига хориждан 1 та жўжа ва 3 та товуқ боқиш линиялари сотиб олиниб, “Хонқа паррандачилик” масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлаган бўлса, унинг ишлаб чиқариш қуввати бугунги кунда 150 мингта парранда боқишга етказилди. 45 нафар киши меҳнат қилаётган ушбу корхона томонидан 2012 йил давомида 32 миллион дона тухум етиштириб берилди. Ҳозирда бу ерда 110 мингта парранда парвариш қилинмоқда. Бу эса халқимиз дастурхонини парҳез таомлар билан тўлдириш, туманда паррандачиликни ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Бундай йирик корхоналардан яна бири икки йил олдин ишга туширилган “Жилосун-Тошкент” ип-йигирув фабрикасидир. Хориждан замонавий ускуналар сотиб олиб ўрнатилган, йилига 3600 тонна ип-калава йигириш қувватига эга бўлган бу корхона ишга тушгач, 100 нафардан зиёд ёшлар иш билан таъминланди. Шунингдек, туманимиздаги “Хонқа чевар”, “Омад дон”, “Ханифа бону” сингари ўнлаб корхоналарда ҳам ишлаб чиқариш йилдан-йилга ошиб, янги иш ўринлари яратилмоқда.

Бугунги давр бунёдкорлик, яратувчанликни дилига жо этган кишиларимизни янгича ўйлашга, Ватанимиз иқтисодий қудратини янада ошириш йўлида кўпроқ меҳнат қилишга ундамоқда. Дастурга мувофиқ, туманимизда 2013-2015 йилларда 51 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Бунда 16,9 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги ишларни бажариш кўзда тутилган бўлиб, шу маблағдан 5 миллион АҚШ доллари тадбиркорларнинг ўз жамғармалари, 11,9 миллион АҚШ доллари эса тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан қопланади. Натижада 614 та янги иш ўрни яратилади.

Шуни мамнунлик билан қайд этиш лозимки, Дастурга киритилган лойиҳаларнинг 47 таси жорий йилнинг ўзида ишга туширилади. Ўтган 6 ой мобайнида Дастурдаги 9 та ўрнига 19 та лойиҳа амалга оширилди. 2,8 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди ва 176 та янги иш ўрни ташкил қилинди.

Туманимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида 17 та лойиҳа амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг 28 июнь ҳолатига кўра, 8 та корхона фаолият бошлади. Жумладан, “Хонқадонмаҳсулотлари” акциядорлик жамиятида йилига 750 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган, қиймати 310 минг АҚШ долларига тенг лойиҳа амалга оширилгани натижасида 24 нафар киши иш билан таъминланди. Тадбиркор Нодира Абдуллаева томонидан ташкил қилинган, лойиҳа қиймати 694 минг АҚШ доллари бўлган “Хонқа биллур салт” хусусий корхонаси модернизация қилиниши натижасида унинг йодланган ош тузи ишлаб чиқариш қуввати йилига 30 минг тоннага етказилди.

Фермерларимиз ҳам қўшимча тармоқлар ташкил қилиш, қишлоққа саноатни олиб киришда катта ишларни амалга оширмоқдалар. “Ёвқочбой Қаландаров” фермер хўжалиги раҳбари Ёвқочбой Абдуллаев қиймати 53 минг АҚШ долларига тенг макарон, дудланган гўшт ва балиқ маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда тозаланган сув ишлаб чиқариб, қадоқлашни йўлга қўймоқда. Бунга сарфланадиган пулнинг 33 минг АҚШ доллари фермернинг ўз жамғармаси, қолгани “Агробанк” кредити ҳисобидан қопланади.

Енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича 1 828 минг АҚШ доллари ҳисобидан 17 та лойиҳани амалга ошириш бозорларимизни сифатли ва арзон маҳсулотлар билан тўлдириб, йигит-қизларимизни, айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга хизмат қилади. Шу йилнинг охиригача ишга туширилиши режалаштирилган, лойиҳа қиймати 250 минг АҚШ доллари бўлган “Хонқа Стар” хусусий корхонасида трикотаж маҳсулотлари, чармдан костюм ва курткалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 60 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлади.

Туманимизда 10 та қишлоқ, 42 маҳалла бўлиб, уларда 140 минг нафардан ортиқ фуқаролар яшайди. Қишлоқларимизда улкан бунёдкорлик ишлари изчил давом эттирилаётганидан қурилиш материалларига бўлган талаб ҳам тобора ошмоқда. Пластик ойна ва эшик ромлари, темир тўрлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Иззатулло Султонов” хусусий корхонаси, “Оғабек Собиржон Сервис” МЧЖда ана шундай материаллар тайёрланиб, талабгорларга етказиб берилмоқда. Қудрат Иноятов раҳбарлигидаги “Люкс спорт инвентар” хусусий корхонасида спорт анжомлари ишлаб чиқариш лойиҳаси бўйича тадбиркорнинг жамғармаси ҳисобидан 15 минг АҚШ доллари сарфланиб, ҳозирча тренажёрларнинг оёқ, қўл ва елка мускулларини ривожлантирадиган бир неча тури тайёрланмоқда. Шу йилнинг охирларига бориб, “Ойбек Юнус” хусусий корхонасида мих, “Намунали Матназар” фирмасида темир-бетон плиталар, “Жайхун қурилиш” хусусий корхонасида хом ва пишган ғиштлар, “Равшанбек Оллоберган” хусусий корхонасида брусчатка ва тротуар плиткалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари қарори билан вилоятимиз, шу жумладан, Хонқа яқин истиқболда саноати ривожланган ҳудудга айланиши шубҳасиз.

**Ғанижон САТТОРОВ,**
**Хонқа тумани ҳокимининг ўринбосари.**

Сурхондарё Вилояти

**Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида пиллачилик ҳам сердаромад, рентабелли тармоққа айланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 15 ноябрдаги “Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори тармоқдаги ислоҳотларда муҳим дастуриламал бўлаётир. Қарор асосида пиллачилик тармоғини модернизациялаш, рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш имкони яратилди.**

# ТИЛЛАГА АЙЛАНАЁТГАН ХОМАШЁ

Халқимизнинг хазина манбаи деб ҳисоблайдиган тармоқлар ичида ипак қурти ҳам бор. Етти хазинанинг бири – ипак қуртидир. Пилладан олинадиган ипак ва ундан тўқилган матолар ўзининг бежиримлиги, нафислиги, гигиеник тозалиги билан инсон вужудига роҳат бағишлайди. Шунингдек, ипак пишиқлиги жиҳатидан пахта, жун, каноп ва бошқа табиий толалардан ажралиб туради. Шу боис, ипакка бўлган талаб ва таклиф вақт ўтган сайин ортиб боряпти. Қаратилаётган эътибор натижасида тармоқ ривожланишнинг янги босқичларига чиқмоқда.

Сурхондарё вилоятида ҳам ипак қурти боқиш, уни қайта ишлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда сурхондарёлик пиллачилар 1484 тонна сифатли хомашё етиштирдилар. Унинг барчаси вилоятнинг ўзида қайта ишланмоқда. Термиз шаҳридаги “Surxon-Termiz-Silk” ва “Inter Silk Pro” қўшма корхоналари пиллани тўлиқ қайта ишлайди. Мазкур замонавий корхоналарда вилоятда етиштирилаётган ҳосилдан икки баравар кўп хомашёни ҳам қайта ишлаш имконияти бор. Шу сабабли саноат корхоналари қувватидан тўлиқ ҳамда самарали фойдаланиш, пиллачиликни ривожлантиришга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда тутзорлар кенгайтирилмоқда. Ипак қурти боқиладиган намунавий пиллахоналар барпо этилиб, атрофида пиллачилар учун турли сервис ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ишга туширилмоқда.

Жумладан, “Сурхондарёпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги 8 та пахта тозалаш корхоналари қошидаги тайёрлов масканларида пилла етиштириш мақсадида 20 та намунавий пиллахона, 148 та аҳолига маиший савдо ва сервис хизмати кўрсатиш объекти бунёд этилди.

– Бу билан нафақат тармоқда катта янгиланишлар юзага келди, балки 341 та янги иш ўрни ҳам ташкил этилди, – дейди “Сурхондарёпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси раиси Баҳодир Хўжақулов. – Шу билан бирга намунавий пиллахоналарга доимий ва мавсумий минг нафардан ортиқ ишчиларни жалб қилдик. Шундан 180 нафари пиллачилик малакасига эга бўлган мутахассислар бўлса, қолгани бевосита тут парвариши ҳамда ипак қурти боқиш билан шуғулланувчи ходимлардир. Жорий йилда ана шу пиллахоналарда минг қутидан зиёд ипак қурти парваришланиб, 66 тонна сифатли хомашё етиштирилди. Ўртача ҳосилдорлик 64,1 килограммни ташкил этди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, намунавий пиллахоналарда ипак қурти интенсив технологиялар асосида парваришланди. Пиллачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилнинг баҳорида 1 миллион 234 минг дона тут кўчати хориждан келтирилиб, 100 гектар майдонга экилди. Ниҳолларга мутахассислар томонидан тут етиштириш агротехникаси асосида ишлов берилмоқда. Ёш ниҳолларга азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар солиниб, ҳар 5 гектар майдонга 4 нафардан ишчи бириктирилган. Бундан ташқари, мавжуд тутзор ва тут қаторларидаги дарахтларни хатловдан ўтказиш ва уларни янги мавсумга тайёрлаш бўйича ҳам турли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Соҳада яхши кўрсаткичларга эришаётган пиллачилар меҳнати эса муносиб рағбатлантирилмоқда. Яқинда Сурхондарё вилояти пиллачилари учун “Ўзбек ипаги” уюшмаси томонидан ташкил этилган Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тадбир ҳам ана шу ишларнинг узвий давоми бўлди. Тадбирда пилладан мўл ҳосил етиштиришга муносиб ҳисса қўшган туман хотин-қизлар қўмитаси ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, пилла отряди раҳбарлари, агрономлар, пиллачилар қимматбаҳо эсдалик совғалари ҳамда сертификатлар билан тақдирланди.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**

НаВоий Вилояти

**Бугунги кунда Навоий вилоятида ғўзани интенсив ривожлантириш — ўз вақтида сифатли культивация қилиш, “шарбат” усулида суғориш, ҳашаротларга қарши курашиш борасида қизғин иш олиб борилмоқда.**

# БИОЛОГИК УСУЛ — МАҚБУЛ УСУЛ

– Асосий эътиборимиз жадвал асосида суғоришни “шарбат” усулида амалга ошириш, намни қочирмасдан культивация қилиш ҳамда ҳашаротларга қарши курашишни тизимли равишда ташкил этишга қаратилган, – дейди вилоят Қишлоқ ва сув хўжалик бошқармаси бошлиғи Ҳабиб Зарипов. – Сувдан самарали ва мақсадли фойдаланиш учун ирригация тизими ташкилотларидан 3720 нафар сувчини ҳудудларга бириктирганмиз.

Майдонларда заракунанда ва касалликларнинг тарқалиши ҳамда уларга қарши ўз вақтида чоралар белгилаш мақсадида 96 нафар энтомолог агроном ҳамда 172 нафар дала назоратчиси ишга олиниб, махсус кийим ва қўлланмалар билан таъминланган.

– Ғўза майдонларини ҳашаротлар билан зарарланишининг олдини олишда биологик усулдан фойдаланишга кенгроқ эътибор қаратмоқдамиз, – дейди пахтачилик бўйича мутахассис Шерзод Ҳожиев. – Бунинг учун биомаҳсулотлар ишлаб чиқарадиган 11 та биолабораториянинг тўла қувватда ишлаши таъминланмоқда. Шунингдек, кўсак қурти капалакларининг учишини аниқлаш мақсадида ферамон тутқичлар келтирилиб, ҳар икки гектарга бир донадан ўрнатиб чиқилди. Ғўза парваришида самарали меҳнат қилиб барчага ўрнак бўлаётган механизатор, сувчи, фермер хўжаликлар ишчиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилган. Қизилтепа туманидаги “Ибодулло Муқимов”, “Қўчқор Карим”, “Маҳмуд Ражаб орзуси”, Кармана туманидаги “Севал тепа равнақи”, “Лочин”, “Шаҳноза” фермер хўжаликларида агротехник тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

**Азимжон ХУШВАҚОВ**

Жиззах Вилояти

# ЁШ БУНЁДКОРЛАР ШИЖОАТИ

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори асосида Жиззах вилоятида ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, жами 1200 дан зиёд намунавий лойиҳадаги уй-жойлар қурилди. Жорий йилда эса 534 та шундай уйлар барпо этилмоқда. Ўтган йилларда биргина Мирзачўл туманида 220 та янги уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.



*Ёш қурувчилар — Исомиддин Ҳасанов, Муҳриддин Холмуродов, Абдумўмин Эгамов, Ҳайдар Астанов, Фаррух Нарзуллаевлар.*

Айни пайтда туманнинг Ғалаба маҳалласида 30 та шундай уйлар тикланмоқда. Лойиҳа қиймати 4 миллиард 100 миллион сўмлик ушбу замонавий уйларни “Қишлоқ қурилиш инвест” ихтисослашган инжиниринг шўъба корхонаси қурувчилари бунёд этишяпти. Корхона пудратчилари сифатида фаолият кўрсатаётган “Хуршид” хусусий фирмаси, “Қўрғон” ва “Фамоус ойл бизнес груп” масъулияти чекланган жамиятларининг юздан зиёд қурувчилари сафида вилоят касб-ҳунар коллежларининг юқори босқич ўқувчилари ҳам иштирок этаётгани қурилиш сифати ва суръатини оширмоқда.

— Меҳнатсевар элнинг фарзандлари ҳам меҳнатсевар-да! — дейди туман ҳокимининг ўринбосари Ашир Оқбўтаев. — Шунинг учун касб-ҳунар коллежларида таътил кунлари бошланиши биланоқ юқори босқич ўқувчилари янги қурилиш массивимизга кўнгилли равишда кела бошлашди. Тумандаги иккита қишлоқ хўжалик ва агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежларидан ва ҳатто, қўшни Арнасой туманидаги коллежлардан 40 нафар ўқувчи келди. Бирови сувоқчиликка ҳавасманд, бирови ғишт териш ишқибози, бошқа бирови эса миллий меъморчилик асосида уйларга зеб беришни ёқтиради.

Қурилишда ишлар қийин эмас. Қоришма тайёрлаш механизациялашган. Тайёрлаб бўлингач, қоришмани ҳам, ғишт ва бошқа нарсаларни ҳам кўтарма кран узатиб туради. Бошқа юмушлар ҳам техникалаштирилган. Ҳар эҳтимолга техника хавфсизлиги бўйича назоратни кучайтириб, ҳар ёш қурувчи доимий эътиборимизда.

Ёшлар, умуман, қурувчиларнинг кўнгилдагидай ишлаб, вақтида дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, улар ҳар куни эрталабки нонушта, тушлик ва кечки иссиқ овқат билан таъминланяпти. Боғ ва полизларда пишиқчилик бошланганидан буён боғбон ва соҳибкорлар навбатма-навбат турли хил ҳўл мева, узум, қовун-тарвуз ва бошқа неъматларини тортиқ этишяпти. Қурувчилар учун алоҳида ювиниш хонаси ташкил этилган. Ҳар кун-кунора туман шифокорлари ишчиларнинг саломатликларини текшириб туришади. Қурилиш майдони ёнгинасида ўтган йили қурилган массив борлиги ва унда озиқ-овқат дўкони ишлаб тургани барчага манзур бўлаётир.

— Намунавий лойиҳалардаги уй-жойларнинг барпо этилиши нафақат қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилашга, балки кўплаб биз каби ёшларнинг меҳнат билан таъминланиши, чиниқиши, моддий манфаатдорлиги ошиши ва қўшимча касб-ҳунар эгаллашига имконият яратмоқда, — дейди Мирзачўл агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи учинчи босқич ўқувчиси Исомиддин Ҳасанов. — Масалан, мен аввалига шунчаки қоришма тайёрлаш гуруҳида ишлай бошлагандим. Қурувчи устозларимнинг қўллаб-қувватлаши ва астойдил иш ўргатишлари туфайли ғишт терувчиликни ҳам ўрганиб олдим. Коллежни битказганимдан сўнг касбим бўйича иқтисодчи бўлиб ишласам ҳам оиламизда эҳтиёж сезилиб қолган пайтларда ғишт терувчи излаб юрмай, ўзим бажариб қўявераман-да.

Муҳриддин Холмуродов, Абдумўмин Эгамов, Фаррух Нарзуллаев, Жаҳонгир Комилов, Ҳусан Рустамов, Зуҳриддин Холмуродов каби бошқа тенгдошларим ҳам аллақачон қурувчилик касбларини ўзлаштириб олишди.

Ҳа, ёшлар катталар билан бир сафда меҳнат қилиб, бунёдкорлик завқидан шундай мамнунлар.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Андижон Вилояти

▼ ДАЛА МАДАНИЯТИ — ФЕРМЕР МАСЪУЛИЯТИ

# ДАЛАДА ҚЎНИМ БЎЛСА, ИШДА УНУМ БЎЛАДИ

**Улуғнор туманидаги “Мамажон бува” фермер хўжалиги раҳбари Маҳмуджон Мирзакаримов тажрибали фермерлардан. У 1997 йилда фермер хўжалиги ташкил этганди. Маҳмуджонга Сирдарёга туташ, ер ости сувлари яқин, ғумай ва қамиш босган ердан 70 гектар майдон ажратиб берилди. Меҳнат ва ерга меҳр туфайли биринчи йилдаёқ ғалла ва пахта ҳосилдорлигида сезиларли ўсиш кузатилди. Сўнгги йилларда ғалладан гектарига 60, пахтадан эса 40 центнердан ошириб ҳосил олинмоқда. Ютуқлар ортган сари фермернинг экин майдони ҳам кенгайиб, 173 гектарга етди.**

Биз “Мамажон бува” фермер хўжалигида бўлганимизда, ғўзаларнинг ривожини кўриб, ҳавасимиз келди. Бу йилги об-ҳаво деҳқонни янада жиддийроқ тарзда имтиҳондан ўтказяпти. Фермер билан эгат ораладик. Ҳар туп ғўзада 8-10 тадан бўлиқ кўсак бор. Эгатдаги тупроқнинг майинлиги, бегона ўтлардан холи, деҳқонни югуртирадиган заракунандаларнинг даладан нари эканлиги фермернинг ер билан тиллаша оладиган миришкор деҳқонлигини айтиб турибди.

— 80 гектар ерда буғдойнинг “Таня” навини парвариш қилган эдик, — дейди фермер. — Ҳосилимиз тош босди. Режадаги 285 тонна ўрнига 350 тонна ғаллани тайёрлов корхонасига етказиб бердик. Хирмонимизда қолган дон хўжалигимиз аъзоларини таъминлабгина қолмасдан, айни вақтда ҳомий сифатида ҳамқишлоқларимизга ҳам тарқатишимиз учун етиб ортди. Пахтадан ҳам гектар ҳисобига 45 центнердан ҳосил оламиз, деб ният қилиб турибмиз.



“Мамажон бува” фермер хўжалигида эришилаётган муваффақиятлар эвазига иқтисодий юксалиш жараёни бормоқда. Банк кредити ва лизинг йўли билан олинган энг замонавий русумдаги тракторлар, комбайн ҳамда чопиқ тракторлари, ўнлаб бошқа воситалар фермернинг оғирини енгил қиляпти. Ички сув йўллари доимо равон бўлишини таъминлаш мақсадида кичик экскаватор сотиб олинди. Энди фермер қўшни фермерларга ҳам техника хизмати кўрсатяпти. Шунинг ўзидан йилига ўртача 80-100 миллион сўм даромад кўрмоқда.

Маҳмуджон Мирзакаримов ўтган йили 36 миллион сўмга қолипли нон тайёрлайдиган технологик асбоб-ускуналарни сотиб олди. Аҳоли фермернинг бу ишидан хурсанд. Фермернинг янги иш ўринлари яратишга қаратилган қизиқарли ва қишлоқ учун зарур бўлган лойиҳалари бор.

Ҳарорат кўтарилган паллада дала шийпони гавжум бўла бошлади. Ҳар қандай фермерни ўзига торта оладиган дала шийпони шу қадар орастаки, бамисоли оромгоҳни эслатади. Унинг атрофи боғ ва гулзор билан қуршаб олинган. Механизаторлар ва сувчилар учун алоҳида дам олиш хоналари мавжуд. Иш ҳажмига қараб керак бўлганда, кунига уч бор қозон қайнайди. Фермер даласининг нариги томонига ҳам қўшқаватли шийпон қуришга киришди. Пахта йиғим-терими бошлангунга қадар янги шийпон қурилиши ҳам поёнига етади.



*— Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, — дейди фермер хўжалиги аъзолари.*

– Ҳар бир эгатни ёддан биладиган механизатор ёхуд сувчи ғўза ривожининг боришини мендан кўра яхшироқ билади, — дейди фермер. — Дам олиш асносида ютуғимизни, камчилигимизни билиб оламиз.

Айтайлик, механизаторлар тракторларни уйига олиб кетмайди. Аксинча, механизаторларни тонг саҳарда олиб келиб, қош қорайганда “Дамас”да уйларига элтиб қўямиз. Шунинг ўзидан бир йилда камида 3-4 тонна ёқилғи тежалади. Сувчилар ва бошқа аъзоларнинг даладан далага боришига ҳам енгил машина ажратилган.

Вақтдан унумли фойдаланиш хўжаликнинг умумий юксалишига хизмат қилиши “Мамажон бува” фермер хўжалиги мисолида яққол тасдиғини топяпти.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**




*Олиб борилган мелиоратив тадбирлар натижасида вилоятда сўнгги беш йилда мелиоратив ҳолати ёмон ерлар майдони уч баробар қисқарди.*

# Ютуқларимизнинг асосий омили — ерларимизнинг соғломлашаётганлигида

## ДЕЙИШМОКДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ДЕҲҚОНЛАРИ

Албатта, ҳаммамизга аёнки, мўл ҳосил етиштириш учун, аввало, ернинг унумдорлигини ошириш лозим. Шу мақсадда, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Тошкент вилоятида ҳам Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури доирасида охирги беш йилда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу борада 46 миллиард 100 миллион сўм маблағ ўзлаштирилиб, 173 та замонавий мелиоратив техника, жумладан, 95 та экскаватор ва бульдозер харид қилинди. Ҳозирги кунда 88 километрдан зиёд коллектор-дренаж тармоқлари қурилгани ва реконструкция қилингани, қарийб 6 минг километрлик тармоқда эса таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилгани, ҳеч шубҳасиз, ўз амалий натижасини бермоқда. Жумладан, охирги 4 йилда вилоятда картошка етиштириш 67 минг тоннага, сабзавот 378 минг тоннага, полиз маҳсулотлари 28 минг тоннага, мева ва узум эса 60 минг тоннага ошгани ана шундай ишларимиз самараси, десак, янглишмаган бўламиз.

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИДАН.**

(Боши 1-саҳифада)

Қаерда ер соғлом, тупроқ унумдорлиги юқори бўлса, ўша ерда ҳосил баракали бўлаверади. Бу исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Вилоят фермерлари эришаётган ибратли натижалар хусусида сўз борар экан, ҳақиқатан ҳам сўнгги йилларда вилоят гидрогеология ва мелиоратив экспедицияси ҳамда унинг таркибида фаолият юритаётган “Давлатсувмахсуспудрат” унитар корхоналари ва бир қатор ихтисослашган масъулияти чекланган жамиятларнинг ерларни соғломлаштириш бўйича амалга ошираётган ибратли саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этиш ўринлидир.

— Президентимиз халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида Тошкент вилоятида ҳам Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури доирасида охирги беш йилда кенг кўламли ишлар амалга оширилганини эътироф этди. Бу соҳа мутахассисларини янада ғайрат-шижоат кўрсатиб самарали меҳнат қилишга даъват этмоқда, — дейди вилоят гидрогеология ва мелиоратив экспедицияси бошлиғи вазифасини бажарувчи Уйғун Очилов. — Ҳақиқатан ҳам давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик туфайли сўнгги йилларда ушбу тизим ҳар томонлама ривожлантирилди. Айни вақтда ҳар бир туманда ташкил этилган ишчи гуруҳлари томонидан амалга ошириладиган — мелиоратив объектларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш ишларига доир аниқ таклифлар тайёрланиб, улар ҳокимликлар ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича тузилган ана шу махсус гуруҳлар, сув истеъмолчилари уюшмалари, Фермерлар кенгашлари ҳамда барча манфаатдор ташкилот ва корхоналар иштирокида муҳокама қилиниб, аниқ лойиҳалар асосида амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, вилоятимиз ҳокими Аҳмад Усмонов томонидан етарлича амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Барча саъй-ҳаракатларимиз ерлар унумдорлигини кўтариш ва шу йўл билан қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга қаратилган экан, ушбу йўналишда ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришаётганлигимиз барчамизни қувонтиради.

Бугунги кунда вилоятда жами 8418,5 километр узунликдаги, шундан 2804,2 километр хўжаликлараро ва 5614,3 километр ички хўжалик коллектор-дренаж тармоқлари суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун ва ер ости сизот сувлари сатҳини меъёрида сақлаш мақсадларига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, вилоят насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармаси ҳисобида 2 та насос станцияси ва 40 та мелиоратив тик қудуқлар мавжуд бўлиб, насос станциялари Қоронкўл ва Уртукли коллекторларидаги сув миқдорини камайтириш, тик қудуқлар эса Бекобод туманидаги 5370 гектар майдондаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга хизмат қилмоқда. Шу ўринда Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2008 йил 19 мартдаги “2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури тўғрисида”ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қароридан сўнг тармоқдаги ишларнинг ҳар томонлама жонланиб кетганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Юқоридаги ҳужжатларга асосан вилоятда ташкил этилган 3 та — “Бўкадавсувмахсуспудрат”, “Янгийўлдавсувмахсуспудрат” ҳамда “Юқоричирчиқдавсувмахсуспудрат” унитар корхоналари бугун ерларни соғломлаштириш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширмоқдалар. Мисол учун, бундан 5 йил аввал вилоят бўйича мелиоратив ҳолати ёмон ҳисобланган ерлар қарийб 5 минг гектарни ташкил этган бўлса, ўтган даврда ерларни соғломлаштириш бўйича унитар корхоналари жамоалари томонидан амалга оширилган кенг кўламдаги тадбирлар натижасида ушбу кўрсаткич бугун 1,7 минг гектарни ташкил этмоқда.

Вилоятда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида Давлат дастури асосида 2008-2012 йиллар давомида 21484,2 миллион сўм маблағ доирасида 68 та лойиҳа бўйича 5996,2 километр узунликдаги очиқ коллектор-дренаж тармоқлари таъмирланиб, тикланди ва 7699,9 миллион сўм маблағ доирасида 12 та лойиҳа бўйича 78,7 километр узунликдаги коллектор тармоқлари реконструкция қилинди. 2012 йилнинг ўзида 5882,8 миллион сўм маблағ доирасида 19 та лойиҳа бўйича 1276,2 километр узунликдаги очиқ коллектор-дренаж тармоқлари қайта таъмирланиб, тикланди ҳамда 2427,8 миллион сўм маблағ ҳисобидан 6 та лойиҳа бўйича 11,3 километр узунликдаги коллектор тармоқларини тўлиқ реконструкция қилишга эришилди. Ялпи ҳолда ҳисоблаганда ўтган 4 йил давомида мелиоратив объектларда амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 119 минг 600 гектар майдон мелиоратив ҳолати бузилишининг олди олиниб, ерларни соғломлаштиришга муваффақ бўлинди. Ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жорий йил учун ҳам салмоқли режалар белгиланган бўлиб, жумладан, 26,1 километр узунликдаги 7 та коллекторни, 8 дона мелиоратив тик қудуқларни ва 3 дона қувур ўтиш жойларини реконструкция қилиш ҳамда 142 та кузатув қудуқларини қуриш ишлари учун 3189,6 миллион сўм ҳамда 15 та коллектор тизимини таъмирлаш-тиклаш учун 5769 миллион сўм, жами мелиорация жамғармаси ҳисобидан 8958,6 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Ўтган даврда белгиланган лойиҳалар молиялаштирилиб, ярим йиллик режалар зиёди билан уддаланди. Масалан, “Бўкадавсувмахсуспудрат” унитар корхонаси томонидан ўтган даврда Бекобод, Пискент ва Бўка туманларида ҳамда Паркент магистрал канали ва Маргуненко каналларида турли йўналишларда таъмирлаш, тиклаш, қуриш тадбирлари бўйича 2 миллиард 647,5 миллион сўмлик ишлар амалга оширилди.




*Замонавий технологиялар тадбирларни муддатида амалга ошириш имконини бермоқда. Бунда хорижлик ҳамкасблар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этаётир. Улар юртимизда мелиорация соҳасида олиб борилаётган ишларни — узоқни кўзлаган тадбирлар дея эътироф этишади.*



*— Эришилган натижалар қувончли, — дейди корхона ишчилари Баҳром Ўрозбоев ва Муҳиддин Эргашевлар. — Бу эса зиммамиздаги масъулиятни янада кучайтиради. Фаол меҳнат қилишга ундайди.*

Соҳада бой тажриба тўплаган, иқтидорли мутахассис Неъмат Алимов бошқараётган корхона бугун ҳар жиҳатдан тараққий топмоқда. Аввал бошда 4 та техника, 5 та ходим билан иш бошлаган жамоада айни вақтда 80 нафарга яқин ишчи-хизматчи самарали меҳнат қилмоқда. Корхона бугун катта миқдорда замонавий хорижий техника турларига эга.

— Унитар корхонамизга мелиорация тизимида узоқ йиллар меҳнат қилиб, соҳа сир-синоатларини яхши ўзлаштирган Маҳмуд Эшонов раҳбар этиб тайинлангач, ишларимиз ҳар жиҳатдан юришиб кетди, —дейди “Юқоричирчиқдавсувмахсуспудрат” корхонаси ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Мирзоҳид Жалолов. — Эндиликда турли лойиҳалар бўйича ўтказилаётган тендер савдоларида фаол иштирок этиб, аксарият ҳолларда ғолибликни қўлга киритяпмиз. Бажарилган ишларни қабул қилиб олиш жараёнида сифат масаласида ҳеч қандай эътирозлар бўлмаяпти. Жорий йилнинг ўтган олти ойи учун белгиланган режаларни зиёди билан уддалашга эришдик. Жамоамизда ишчи-хизматчилар ўртасида яратилган ижобий муҳит, тартиб-интизом қўлга киритаётган ютуқларимизнинг муҳим омили бўлмоқда.

— Мелиорация тизими ўта масъулиятли соҳа ҳисобланади, — дея таъкидлайди “Янгийўлдавсувмахсуспудрат” корхонаси раҳбари Лутфулла Турсунов. — Унинг мураккаблиги шундаки, мақсадга эришиш учун йилнинг тўрт фаслида кечаю кундуз бирдек меҳнат қилиш тақозо этилади. Чунки қабул қилиб олинган объектнинг ўз вақтида топшириш муддати аввалдан аниқ белгиланган бўлади. Жамоамизда ишчи-хизматчиларга етарлича ғамхўрлик кўрсатаётганимиз, уларнинг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб қўйганлигимиз буюртмачилар олдида ҳамиша юзимизни ёруғ қилмоқда. Ғанишер Соатов, Тўхтамурод Бекназаров, Ренат Аббосов, Зокир Йўлдошев сингари экскаваторчилар, бульдозерчи Обид Файзиев, трайлер ҳайдовчиси Аҳмаджон Ҳожиматов, участка бошлиғи Бахтиёр Кумушбеков ҳамда иш юритувчи Абдувоҳид Тешабоевлар корхонамизнинг ҳақиқий таянчлари, фахримиз ҳисобланишади. Ишчи-хизматчилар учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш, уларнинг манфаатдорликларини ошириш бўйича доимий изланишдамиз. Яқинда корхона қошида паррандачилик ва чорвачилик бўйича ёрдамчи хўжалик ташкил этдик. Бир гектар майдонда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиряпмиз.

Дарвоқе, номлари юқорида тилга олинган 3 та унитар корхона вилоятда мелиорация ишларини ташкил этишда юқори кўрсаткичларни қўлга киритмоқда. Уларнинг ҳар бири фаолиятида эътирофга арзигулик кўплаб ютуқлар бор. Ушбу корхоналар жорий йилда вилоят бўйича 28 минг 260 гектар майдон мелиоратив ҳолати ёмонлашувининг олдини олиш ва 696 гектар ерни соғломлаштириш учун астойдил енг шимарганлар. Тизимда амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар ҳадемай қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида, хусусан асосий соҳа — пахтачиликда ҳам юксак натижаларни бериши ҳозирданоқ яққол кўзга ташланиб турибди.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**
*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*



*Ҳар бир туманда амалга ошириладиган тадбирлар лойиҳаси батафсил ўрганилади, мутахассислар томонидан муҳокама қилинади. Сўнгра амалиётга киритилади.*

○ Эълонлар

## «KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**I. Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Навоий вилояти Навоий шаҳар ҳокимининг 2013 йил 24 июлдаги 01-02/599-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:**

**1.** Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш сервис шохобчаси қуриш учун Навоий шаҳар А.Темур кўчасидан 4 дона, ҳар бирининг умумий майдони 900 кв.м., қурилиш майдони 300 кв.м., ободонлаштириш учун 600 кв.м.дан 1-, 2-, 3-, 4-сонли ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳар бир ҳуқуқнинг минимал қиймати - 205 200 сўмдан.

**2.** Диагностика ва профилактика маркази биноси қуриш учун Навоий шаҳар Навоий кўчасидан умумий майдони 1200 кв.м., қурилиш майдони 600 кв.м., ободонлаштириш учун 600 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 410 400 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Навоий шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 29 август куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Талабгорларнинг конвертлари Навоий шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 30 август куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 30 август куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор ғолиб деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2013 йил 30 августдаги танловда сотилмаган тақдирда, такрорий танлов савдоси 2013 йил 20 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш 2013 йил 19 сентябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Навоий шаҳар ҳокимлиги биносида 2013 йил 20 сентябрь куни соат 11:00 да очилади, 2013 йил 20 сентябрь куни соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини олиш ва ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини АТИБ "Ипотека банк" Навоий шаҳар филиалидаги: МФО: 00205, СТИР: 207122519, 20208000504920609007 ҳ/р га тўлашлари шарт.

Талабгорлар танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

**Талабгорлар буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:**

*- юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ва белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), ваколатли вакил қатнашган тақдирда шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси, белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;*

*- танлов ташкилотчисига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха;*

*- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.*

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Танлов ҳужжатларини олиш учун савдо ташкилотчисининг манзили:** Навоий вилояти Навоий шаҳар П.Очилов кўчаси 24-уй. (8-436) 224-15-61, user07@inbox.uz. **Лицензия** № RR 0001. www.1kms.uz.

*Барча қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!*

## СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ДТ «ХАЛҚ БАНКИ» БОЁВУТ ТУМАНИ ФИЛИАЛИ 2013 ЙИЛГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**1. Боёвут тумани Халқ банки филиали биносини капитал таъмирлаш.**

**Бошланғич нархи** ҚҚС билан 236 127 621 сўм, ҚҚСсиз 196 773 018 сўм. **Қурилиш муддати** 150 кун.

**Қурилиш ишларини молиялаштириш:** ўз маблағлари ҳисобидан.

**Буюртмачининг манзили:** Сирдарё вилояти Боёвут тумани. Тел: (8-367) -262-15-57.

**Талабгор сифатида қатнашаётан корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** ҳисобрақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги бўш айланма маблағлари бўлиши ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Гулистон шаҳри М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: (8-367) 227-64-42 (ф).

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 79568 сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати-офёрталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин ўтказилади.

